

Ishonch

2019 йил 26 март • сешанба • № 41 (4170)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Абу-Даби, 25 март.

ЎЗА махсус муҳбири Умар АСРОРОВ хабар қилади.

Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 24 март куни расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларига келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 25 март куни Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таомилга кўра, дастлаб Абу-Даби шаҳридаги шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбараси ва масжидни зиёрат қилди.

Шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён Бирлашган Араб Амирликларининг биринчи Президенти. У 2004 йили ўзи қурдирган мажмур масжид ёнида дафн этилган. Бугунги кунда ушбу масжид ва мақбара мамлакат аҳолиси учун табаррук масканга, хорижий делегациялар раҳбарлари ташриф буюрадиган мажмуага айланган.

Ушбу мажмуа дунёдаги энг катта масжидлардан бири бўлиб, қурилиш ишлари 1996 йилдан 2007 йилгача давом этган. Унда бир вақтнинг ўзига 40 минг киши намоз ўқиши мумкин. Мажмуага ташриф асносида шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Президентимизга масжиднинг қурилиш тарихи, ўзига хос мазморий

жиҳатлари, сайёҳлар ва зиёратчилар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берилди.

Шавкат Мирзиёев мақбаранинг Зиёратчилар китобида дастхат қолдирди.

Давлатимиз раҳбари «Воҳат ал-Карома» ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

«Қадр-қиммат воҳаси» маъносини англатувчи ушбу ёдгорлик Бирлашган Араб Амирликлари озодлиги ва бирдамлиги учун қурбон бўлганлар шарафига бунёд этилган. Ёдгорлик бир-бирига таяниб турган 31 блокдан иборат бўлиб, раҳбарлар, ҳарбийлар ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва қўллаб-қувватлаш рамзи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ёдгорликнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири

Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Учрашувда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бу борада ўзаро тажриба алмашиш, делегациялар ташрифини йўлга қўйиш юзасидан келишувларга эришилди.

Абу-Даби шаҳридаги «Қаср ал-Ватан» саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари давлат мадҳиялари янгради.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев самимий қабул ва юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдириб, халқларимизнинг диний-маънавий қадриятлари муштарак экани, бу икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлишини таъкидлади.

Бирлашган Араб Амирликлари тарихан қисқа даврда – эллик йилда саҳро кўйида мўъжиза яратиб, иқтисодиёт, инновация, савдо, молия ва туризм бўйича дунё марказларидан бирига айланганини, Ўзбекистон шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва

тажриба алмашишдан манфаатдор эканини қайд этди.

Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳудуди кичик, лекин нуфузи ва имкониятлари жиҳатидан катта салоҳиятга эга мамлакат. Бу ерда саноат, ташқи савдо логистикаси, транспорт, туризм, фуқаро авиацияси, инновация ва ахборот технологиялари, банк ва молия соҳалари жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Амирликлар дунё маҳсулотларини минтақага реэкспорт қилаётган асосий транзит мамлакатидир.

Қулай географик жойлашув ва солиқ сиёсати мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими кириб келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Амирликларнинг ўзи ҳам фаол ташқи инвестиция сиёсати олиб бормоқда. 2018 йилда БАА хорижий давлатларга 12 миллиард доллар миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар йўнатирган.

Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 25 октябрда ўрнатилган. Яқинда икки

томонлама муносабатлар тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликлариди Фавқуллода ва мухтор элчиси тайинланди.

Мамлакатимизда БАА инвестициялари иштирокида 107 та корхона фаолият юритмоқда. Ушбу мамлакат фирма ва компанияларининг 28 та ваколатхонаси очилган. Улар асосан тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мева консервалари, полиграфия, улгуржи савдо, умумий овқатланиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш йўналишларида иш олиб бормоқда.

2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси ҳажми қарий 400 миллион долларни ташкил этган.

Давлатимиз раҳбари бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ўсгани, лекин томонларнинг салоҳиятини ҳисобга олганда, етарли даражада эмаслигини таъкидлади. Шу боис музокара-ларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, банк-молия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги bosқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

2

КУН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Греция Республикаси Президенти Прокопис Павлопулосга ушбу мамлакат мустақиллиги куни муносабати билан табрик йўллади.

Президент матбуот хизмати

Шавкат Мирзиёев Покистон Президенти Ориф Алвий ва Бош вазири Имрон Хонни ушбу мамлакатнинг миллий байрами – Покистон куни билан табрикланди.

Президент матбуот хизмати

Насриддин Нажимов Боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлигининг бош директори этиб тайинланди.

«Хўқуқий ахборот» канали

«Хўқуқий тарғибот ишлари аълочили» кўкрак нишони тўғрисида низом тасдиқланди.

uza.uz

«Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Хўқуқат қарори қабул қилинди.

xabar.uz

«Халқ чолғулари ижрочилари», Мукаррама Турғунбоева номидаги «Миллий рақс ижрочилари» ва Юнус Ражабий номидаги «Еш мақом ижрочилари» республика кўрик-танловларини ўтказиш тўғрисида»ги Хўқуқат қарори қабул қилинди.

kun.uz

«Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишони таъсис этилди.

kun.uz

Фарғона вилоятидаги Марказий Осиёда ягона бўлган корхонада 8 турдаги ренгтен асбоб-ускуналари тайёрланмоқда.

gazeta.uz

Германияда Ўзбекистоннинг Франкфурт-Майн шаҳридаги бош консулхонаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Хумо» Олмон-Ўзбек маданий жамияти томонидан ватандошлар форуми ташкил этилди.

uza.uz

Россияда ўтказилган самбо бўйича жаҳон кубогига ўзбекистонлик спортчилар 2 та олтин, 6 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

МОҚ матбуот хизмати

Москва шаҳрида катталар ўртасида самбо бўйича Жаҳон кубогига ҳамюртимиз Зафар Аллаберганов ғолибликни қўлга киритди.

Миллий гвардия матбуот хизмати

Мамлакатимизда илк инновацион QR-коди жойлашган «Қалбим кўзгуси» номли китоб нашр этилди.

uza.uz

Жаҳон банки Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича лойиҳага 200 млн. доллар ажратишини тасдиқлади.

Жаҳон банки матбуот хизмати

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилаётган «Doctors community cup – Tashkent – 2019» халқаро турнирига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.




ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Шифокорлар ўзаро баҳслашади

Ушбу турнирда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари жумладан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларусь ҳамда Украина шифокорларининг футбол жамоалари иштирок этади.

Уйинлар соат 11:00 ва 14:00 да пойтахтимиздаги «Миллий» ва «Жар» стадионларида старт олади. 29 март куни «Плей-Офф» уйинлари ўтказилиб, 30 март куни эса мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари аниқланади.

Турнирга Францияда жойлашган Жаҳон соғлиқни сақлаш ходимлари Олимпия уйинлари ассоциацияси вакили Гийом Гассенд ҳам таклиф этилган.

Турнирда россиялик 40 ва ундан катта ёшдаги шифокорлар билан мажмур ёш тоифасида «Ўзбекистон-2» терма жамоаси ҳам қатнашади.

Тадбир доирасида «Тиббиёт ва спортда инновациялар» мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳам ўтказилиши ва унда тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича шифокорларнинг ўзаро тажриба ва фикр алмашиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, меҳмон жамоаларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳатини ташкил қилиш орқали уларга юртимизнинг туристик салоҳияти ва имкониятларини кенг намойиш қилиш режалаштирилган.

Абзам АБУЛҲАЙЗОВ, «Ishonch» муҳбири

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Президент ташрифидан сўнг...

Президентимизнинг шу йилнинг 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифидан сўнг вилоятда бунёдкорлик ишлари янада кенг кўлам касб этди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, маданият, фан ва таълим, тадбиркорлик, тиббиёт, туризм, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ҳаёти каби юзлаб жабҳаларда жиддий ҳаракатлар қилинмоқда.

Ислоҳотлар баҳор нафасини олиб кирмоқда

Ташрифидан сўнг орадан кўп ўтмай вилоятга кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида 50 миллион АҚШ доллар миқдорда ресурс ажратилди. Айна паллада ушбу маблағ туман ва шаҳарлар кесимида тақсимлаб чиқилди. Тақсимот пайтида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар, фаолият турини кенгайтиришни мақсад қилган юридик ва jisмоний шахслар, томорқа ҳўжаликларида самарали фойдаланишни бошлаган юртошларимизнинг мурожаатлари тўлиқ ўрганиб чиқилди. Иссиқхоналар ташкил этиш, боғдорчилик, чорвачилик, тикувчилик, қандолатчилик, хунармандчилик соҳаларида фаолият юритаётган ишбилармон ва тадбиркорлар эҳтиёжи ҳам инobatга олинди.

Президентимиз ташриф доирасида Навоий вилоятини тадбиркорлар вилоятига айлантириш зарурлиги ва бунинг учун ички имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтган эди.

Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш мақсадида ҳар бир туман, шаҳар ва маҳалла негизда аниқ режа ва тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда.

ВАҚТ ВА ИМКОНИЯТНИ ҚАДРЛАГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Шавкат ТУРДИЕВ, Навбаҳор туманидаги «Парадайс Гарден» («Жаннат боғлари») МЧЖ раҳбари:

– Болагимдан қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, узумчиликка қизиқаман. Ҳозир туманимизнинг ташландиқ, тош ва кумдан иборат чекка жойида 56,6 гектардан иборат катта боғ ташкил қилганман. Токларнинг «Келинбармоқ», «Тоифи», «Ризамат», «Кетмон сопи», «Мерседес» каби навларини парваришлаяпмиз. Боғимизнинг 20 гектари томчилятиб суғорилади. Айна чоғда узумзоримизни янада кенгайтириш, томчилятиб суғоришни тўлиқ йўлга қўйишни мақсад қилганмиз. Жанубий корейлик ҳамкорларимиз билан бирга бир соатда 30 тонна узумни қайта ишлайдиган завод қуришни бошлаганмиз. Заводимиз сентябрь ойида ишга тушади. Яна кўшимча 40 та иш ўрни очилади.

3



Кўннинг муҳим янгиликлари

Президентимиз «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрн қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади.

Халқаро театр кўнига бағишлаб Маданият вазирлиги томонидан юртимиз бўйлаб «Театр томошалари ҳафталиги» муваффақиятли ўтказилмоқда.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Хитойнинг Наньнинг шаҳрида бўлиб ўтаётган «China Cup-2019» халқаро турнирида мезбон жамоани 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, мусобақани 3-ўрин билан якунлади.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Жорий йил 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – БАА ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи йилги натижалари ижобий баҳоланди. Ҳукуматлараро комиссия олдида яқин йилларда ўзаро савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш, бунинг учун товар етказиб беришни кўпайтириш, хомашёни қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Икки мамлакатда ҳам туризм соҳасида улкан салоҳият мавжуд.

Амирликлар аҳолиси буюк алломуларимиз мақбараларини зиёрат қилиш, табиатимиз манзараларидан баҳра олишга орзуманд. Ўтган йили БААдан юртимизга келган саёҳатчилар сони 1,5 баробар ўсди.

Президентимизнинг яқинда имзоланган фармонида мувофиқ, юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди. Бу Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида нафақат туризмни ривожлантириш, балки савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг икки томонлама

имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Инвестициялар, молия, муқобил энергетика, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, бошқона маъмуричилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича имзоланган ҳужжатлар алмашиди. Умуман, ташриф доирасида умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишувларга эришилгани маълум қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳённинг тор доирадаги учра-

шуви бўлиб ўтди. Самимий мулоқотда сиёсат, хавфсизлик, инвестиция соҳалари юзасидан фикр алмашиди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, энергетика ва инфратузилма йўналишида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, фан-технология ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Тошкент вилояти | Шукӯх

Қибрай туманининг сўлим гўшасида жойлашган «Умид гулшани» санаторийсида Наврўзи олам кўтаринки кайфиятда нишонланди. Фарзанд кўрмаган, кам таъминланган оилаларнинг ишлайдиган 35 нафар аъзосига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бепул йўлланма ажратилган эди. Тадбир чоғи уларга эсдалик совғалари топширилди. Бир пиёла чой устидаги самимий суҳбат дилларга сурур бағишлади.

Дилларга умид бахш этиб...

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси ўқув-услубий маркази маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси Маҳмуда Мурзоева байрам иштирокчиларига федерациянинг ишчи-ҳодимлар манфаати юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ туманидаги Агрисаноат касб-ҳунар коллежида болаларга махсус фонддан дарс бераман, – дейди ўзини Аноргул Султонова деб таништирган даволанувчи. – Биз учун уюштирилган тадбир, совға қилинган китоблар жамланмасидан бошим кўкка етди. Барча мутасаддиларга ва санаторий маъмуриятига миннатдорлик билдираман.

Тадбир давомида Ўзбек миллий драма театри санъаткорларининг чиқишлари, саҳна кўринишлари йиғилганларга хуш кайфият улашди.

– Доно Бобоқонова, Жумадулла Раветов сингари сеvimли актёрларимиз ижросини томоша қилиш менда катта таассурот қолдирди, – дейди Ўст туманидаги 42-интернат-мактабнинг ўқитувчиси Зарифа Эргашева. – Бунинг учун касаба уюшмалари фидойилари ва «Умид гулшани» санаторийси раҳбариятига раҳмат айтаман.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, «Умид гулшани» санаторийси жаҳон андозаларига мос тиббиёт муассасаси бўлиб, замонавий тиббий диагностика ва даволаш усуллари бевосита халқ табobati билан биргаликда олиб борилади.

Санаторий сўнги русумдаги «АНДРОГИН», «ИФА-И-1С», «Дзин-да», «Кольпоскоп», «УТТ», компьютерли умуртқа поғонасини тракцион усулда даволловчи «RXPС-500D», «Нутап», «Доплер», «Электросандал» ва «Гемонализатор» каби даволаш ва ташхис ускуналари билан жиҳозланган.

Гинекологик, урологик, эндокрин, юрак-қон томир тизими, ички аъзо, ҳаракат-танч тизими касалликлари санаторийнинг малакали шифокорлари томонидан ташхис қўйилиб даволанади.

Шунингдек, фин саунаси ҳамда эпик чўмилиш ҳавзаси дам олувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– 17 йилдан буён фарзандли бўлмаяпмиз. Турмуш ўртоғим билан ҳатто хорихда ҳам даволандик. Аммо Фойдаси Зарифа Эргашева, – дейди Зумрад Ниёзова. – Менга танишларим шу ерни тавсия қилишди. Шифокорлар умид бор дейишяпти. Сўнган умидимга қайта жон бахш этишгани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Давронбек ОРИПОВ
«Ishonch» мухбири

Фарғона вилояти

«Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖда 2017 – 2019 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2018 йилдаги ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қобилжон Қирғизалиев иштирок этди.

Конференция

Энг муҳими – хавфсизлик

Корхона бош директори Д.Жалилов, касаба уюшма қўмитаси раиси А.Маматқуловнинг маърузаларида жамоа шартномаси орқали ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз ва қўлай меҳнат шароитларини яратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

– Жамоа шартномасига тўлиқ риоя қилинган жойда ички муҳит ҳам шаффоф бўлади. Иш берувчи зиммасидаги мажбуриятларини, касаба уюшма қўмитаси ваколати доирасидаги вазифаларни бажарса, ўз-ўзидан ходимлар ҳам қўйилган талаб ва меъёрларни мукамал уддалашга ҳаракат қилади, масъулиятни янада тيرانроқ англайди, – дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Абдумалик Маматқулов. – Бизнинг соҳада хавфсизлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам меҳнат муҳофазасига катта эътибор қаратамиз. Ходимларнинг хавфсиз шароитларда ишлаши учун 117,6 млн. сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, уларга 108,4 млн. сўмлик ҳимоя воситалари ва махсус кийим-бош олиб берилди.

Ижтимоий ҳимоя йўналишида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 34 нафар фарзанди учун 2 млн. 507 минг сўмлик ўқув куроллари, дарсликлар харид қилинди. 380 нафар ходимга 15,7 млн. сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Ёзги оромгоҳларда ходимларнинг 62 нафар фарзанди дам олдирилди. 478 нафар ишчи-хизматчи «Нурафшон» сўхатгоҳида, 18 нафари касаба уюшмалари тасарруфидаги «Чортоқ», «Зомин», «Чимён», «Ботаника», «Косонсой» каби санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлади. Бундан ташқари, байрамлар муносабати билан ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди, маданий ва спорт тадбирлари ташкил этилди, юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳат уюштирилди.

Конференция делегатлари жамоа шартномасининг 2018 йилда бажарилиши бўйича амалга оширилган ишларни қониқарли деб топди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Қашқадарё вилояти



Касаба уюшма ҳаёти

Ташвишларда бордир ҳаловат

Чироқчи туманидаги 43-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Қосим Ризаевнинг уйи ёнидан катта талафот кўрди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов кўпни кўрган раҳбар эмасми, тезда тегишли чора-тадбир ишлаб чиқишга киришди. Фалокат оқибатларини бартараф этиш учун ўқитувчига моддий ёрдам ажратди, мактаб маъмуриятига мурожаат қилиб, Қ.Ризаевнинг ойлик маошларини олдиндан олишига кўмаклашди. Унинг тавсиясига биноан, директор жамғармасидан маблағ ажратилди. Бу фарзандларининг мактаб жиҳозлари, дафтар-қаламларигача қуйиб қулга айланган оилага юзага келган ҳолатдан чиқиб олишида далда бўлди.

Кўкдала педагогика коллежи ходими Дурбек Каримовнинг иқтисодий аҳоли оғир эди. Унга ҳам моддий ёрдам ажратилди.

Абдураим ака қабулига кирган ҳар бир ходимни эринмай тинглайди, муаммосига касаба уюшмаси орқали ечим топилса, ўзи ҳал қилади, вазият иш берувчига бориб тақалса, тезда музокарага киришади.

– 200 дан зиёд бошланғич ташкилотимиз бор. 2018 йил ҳамда жорий йилнинг икки ойида 400 дан ортиқ ариза тушди, – дейди раис. – Мазкур мурожаатларга кўра, ўтган йили 208 та санаторий йўлланмалари тарқатилди. Элликтадан ортиқ йўлланма ходимнинг яқин қариндошларига берилди ва улар энг яхши сўхатгоҳларда соғломлаштирилди.

– Узоқ йиллар давомида таълим тизимида ишладим, – деди Жовли бобо Расулов. – Бу

Сирдарё вилояти | Эъзоз

Фидокорона меҳнат улуғланди

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Наврўз байрами муносабати билан тизимда узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийларини тақдирлади. 30 нафар фахрийга дастурхон тузаб, фидокорона меҳнатлари учун эсдалик совғалари тақдим этилди.

– Узоқ йиллар касаба уюшмасида меҳнат-кашларнинг иқтисодий, ижтимоий манфаатларини муҳофиза қилиш масалалари билан шуғулландим, – дейди меҳнат фахрийси Моҳира Умарова. – Фаолиятим сабаб вилоятнинг кўплаб ташкилотларида бўлганман.

Ҳозир ҳам бизнинг ара-лашувимиз билан ижобий ечим топган масалалар тилга олинганда чексан заҳматларимиз бесама кетмаганини ҳис этиб ич-ичимдан қувониб кетаман.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Қорақалпоғистон Республикаси | Етакчи минбари

Самарадорликдан барчамиз бирдек манфаатдормиз

Кўнғирот Локомотив депоси юртимизнинг шимолида, яъни Қорақалпоғистон-Кўнғирот-Мискин участкаси оралиғида йўловчи ва юк ташувчи поездларни тепловозлар билан таъминловчи корхона ҳисобланади. Локомотив депо касаба уюшма қўмитаси 648 нафар аъзони сафига бирлаштирган. Темирйўлчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш ва бўш пайтини кўнғилли ўтказиши учун етарлича қўлайликлар яратилган.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, деганларидек «Қорақалпоғистон», «Жаслик», «Кўнғирот», «Нукус» ва «Мискин» бекатларида ходимларимиз учун дам олиш уйлари ташкил этилган. Яқин йилларда тезорар поездларнинг қатнови йўлга қўйилишини ҳисобга олиб, «Нукус» бекатидаги дам олиш уйида замонавий андозалар асосида қайта реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, иш берувчи билан ҳамфикр ҳолда фаолият юритилаётгани иш сифати ва самараси ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан эса барчамиз бирдек манфаатдормиз.

Ўтган йили аъзоларимиздан 15 нафари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сўхатгоҳларда соғлигини тиклаб қайтди. Ҳамкасбларимиздан 22 нафарининг фарзандлари ёзги таътилда Тошкент вилоятидаги «Қибрай» оромгоҳида дам олма бўлса, 39 нафар болажон «Кўнғирот» санаторийси қошида ташкил этилган соғломлаштириш марказида ҳордиқ чиқарди.

Аъзоларимиздан 21 нафарининг имтиёзли шартда пенсияга чиқиш тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилди. Урнатилган тартибда судга даъво аризаси киритилиб, уларнинг амалга ошишига ёрдамлашилди.

Аҳил жамоамиз Ватанимиз ободлиги ва тараққиёти йўлида юксак марралар сари дадил интилмоқда. Бу уларнинг ўз касбига меҳри баланглиги, қолаверса, турмушидан розилиги ифодаси ҳамдир.

Шавкат ҒАНИБОВ,
Кўнғирот Локомотив депоси касаба уюшма қўмитаси раиси

Бухоро вилояти

Бухоро вилоятида ўтадиган республика ҳамда халқаро миқёсдаги фестиваллар, маданий ва оммавий тадбирларни «Бухоро гўзаллари» рақс дастаси, «Бухоро мавжлари» мақом ансамбли, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Академик ва халқ бадийи жамоалари дирекцияси, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ҳудудий бўлиmlари санъаткорларининг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Воҳадаги ўн бир миллий-маданий марказ ҳусусида ҳам ҳудди шу фикрларни айтиш мумкин.

Кўп йиллик ният ушалди

Бундан қарангки, шу пайтга қадар мазкур муассасаларнинг ўз биноси йўқ эди. Шунинг учун ўзга ташкилотларга қарашли турли манзилларда ижарада туриб, фаолият кўрсатиларди. Ўз навбатида, бу ҳол ташкилий масалаларда, ўзаро ҳамкорликдаги ишларни бажаришда ҳам муайян ноқулайликларни туғдирарди. Эндиликда бундай муаммо кун тартибидан кўтарилди. Ниҳоят, маҳаллий ҳокимият томонидан Бухоро вилояти маданият бошқармаси ва унинг тасарруфидаги муассасалар ихтиёрига бино берилди.

Таъкидлаш жоизки, 2,5 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан жорий таъмирдан чиққан мазкур бинода ансамбллар, бадийи жамоалар, миллий-маданий марказлар вакилларининг тантаналарга тайёргарлик кўриши, анжуманлар ўтказиши учун етарлича шароитлар яратилган. Овоз ёзиш студияси, бир юз эллик ўринга эга йиғилиш зали, машғулот ва либос алмаштириш хоналари, умумий қиймати 400 миллион сўмга тенг турли жиҳоз, аппаратуралар санъаткорлар ихтиёрида.

– Кўп йиллик ниятимиз, ниҳоят, ушалди, – дейди Бухоро вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Йўлдош Генжаев. – Уйлайманки, тизимимиздаги барча муассасаларнинг бир жойда, ўзимизга қарашли кўркам, шинам бинода фаолият кўрсатиши меҳнатимиз самарасини оширади.

Рустам ИБРАГИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Хушхабар

Хушхабар

Президентимизнинг ташрифи мен каби тадбиркорлар учун айни муддао бўлди. Тадбиркорни юрт раҳбарининг ўзи шахсан сўраб тургандан кейин юраги тоза, келажақдан умиди бор ҳар қандай инсон руҳан уйғонади, янгилади. Давлатимиз раҳбарининг вилоят фаоллари билан учрашувда ҳаммамизни жиддий ишлашга, фидойи бўлиб яшашга даъват қилган юрагимизни тўқинлантириб юборди.

Мамлакатимизда узумчиликни ривожлантириш учун нима қилиш керак? Сир эмас, соҳа тараққиёти учун шу бугунгача жуда кўп ишлар амалга оширилди. Ҳаракатдан тўхтамаслик зарур. Тизимга янада кўпроқ ўзгаришлар киритилиши лозим. Айни паллада бизда худди шундай имкониятлар яратилган қатъий бел боғланган. Демак, биз ривожланамиз.

ТАДБИРКОРЛАР ВИЛОЯТИ

Шавкат ХОЛНАЗАРОВ, Навоий шаҳридаги «Навоий ишонч гилам» МЧЖ раҳбари:

– Салкам 17 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман. Хитой, Туркия, Россия, Тожикистон, Қозоғистонда ҳамкорларимиз бор. Самарали меҳнатларимиз эвазига каттагина гилам цехини ташкил қилганмиз. Бундан ташқари, қурилиш ишлари билан шуғулланамиз. Даромадимиз яхши. 2017 йилда хорижга 50 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилдик. Муҳтарам Пре-

зидентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда тадбиркорлик кенг йўл очиб берилиши ишимизни янада жонлантирди. Буни корхонамиз экспорт салоҳиятининг ўтган йилда 300 минг АҚШ долларига етганидан ҳам билса бўлади.

Навоий вилоятининг тадбиркорлар вилоятига айланиши учун ҳақиқатан ҳам бизда пухта замин ва қўшимча имкониятлар бор. Вилоятимиз худуди электр энергияси ва табиий

жалигида кластер усулини жорий қилиш жаддалашмоқда. Балиқчилик, паррандчилик, асаларчиликка, туюқш боқишга, қуёнчилик ва қорақўл тери етиштиришга жиддий эътибор қаратилди.

Президентимизнинг ташрифи чоғида корхонамиз фаолияти, имкониятларимиз, режа ва мақсадларимиз билан жиддий қизиқди. Келгуси фаолиятимизда асқотадиган маслаҳатлар берди. Яхши ниятлар билдирди. Бун-

лига ташлаб қўйилди. Натижада чорва сони кескин камайиб кетди. Хайриятки, муз жойидан силжиди. Хатолар, камчиликлар бартараф этилди.

Ишонч билан айтаманки, туманимизда тажрибали чорвадорлар жуда кўп. Бирлшасак, чин дилдан ишласак, соҳа янада ривож топади. Гўшт, сут, қатиқ, сариёғ ва бошқа чорва маҳсулотлари кўпаяди. Энг муҳими, «топан-тутаман» дея бошқа мамлакатларга боришга ҳожат қолмайди.

ЛОЙИҲАЛАР КЕЛАЖАКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Президентимизнинг ташрифидан сўнг Конимех туманида қорақўл тери тайёрлашга жиддий эътибор қаратилди. Жорий йилда «Қорақўл жозибаси» шўба корхонаси томонидан 130 минг дона қорақўл тери тайёрлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, чорвачилик билан жиддий шуғулланган яна бешта корхонада йилига 4 мингдан ортиқ экспортбоп маҳсулот тайёрлаш режалаштирилди. Айни паллада тумандаги чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари қарамоғида 23 минг 92 бош йирик шохли қорамоллар, 471 минг 392 бош майда шохли моллар парваришланмоқда.

Бугун Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи мевасини бера бошлади. Ҳамма жойда, ҳар бир корхона ва муассасада янгилашни ҳуқирон. Кўнгилларда умид учкунлари пайдо бўлди. Энг муҳими, катта-ю кичик – ҳамма-ҳамма давлатимиз раҳбаридан кутганини олди, уларнинг йиллар давомида ечилмай келётган муаммолари бартараф қилиниб, кўкси тоғбек юксалгани ҳам айти ҳақиқат.

Нормурод МУСОМОВ «Ishonch»



Ислохотлар баҳор нафасини олиб кирмоқда

газ билан яхши таъминланган. Бир неча завод ишлаб турибди. Халқимиз меҳнатсевар. Айни паллада мен раҳбарлик қилаётган «Навоий ишонч гилам» МЧЖда ва қурилиш ташкилотимизда 300 нафар киши ишлайди. Узоқдан келадиганлар учун махсус автобус хизмати йўлга қўйилган. Кунига корхона ҳисобидан икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади.

Ҳозир мамлакатимиз фермерлари учун томчилатиб суғориш технологиясини ишлаб чиқаришни бошладик. Бу технология жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ҳам кам учрайди. Қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти учун ҳар томонлама фойдали. Сув, вақт, ишчи кучи, энергия ва ёқилғи ресурслари тежаллади. Ҳозир бизда тегишли 13 гектар ерни шу технология асосида суғоришни бошладик. Натижаси жуда қувонарли.

Заводларимиз фаолияти кенгаймоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликка сармоя ажратилди. Қишлоқ ҳў-

дан биз тадбиркорлар ўзгача эътиборни ҳис қилдик.

БАРАКА – БИРДАМЛИҚДА

Алишер ЭШМУРОДОВ, Конимех туманидаги «Шаукер бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари:

– Фермер ҳўжалигимизда оилавий меҳнат қиламиз. 200 бошдан ортиқ қўй-эчкимиз, хориждан келтирилган 15 бош эздор сигиримиз ва 40 бошдан ортиқ маҳаллий молларимиз бор. Бугун юртимизда ишлайман ва яхши яшайман, деган кишига барча имкониятлар яратилган.

Фаоллар билан учрашув чоғида давлатимиз раҳбари Нурота, Конимех, Хатирчи туманларида ривожланиш талаб ва имконият даражасидан бироз пастроқ бўлаётганига эътиборни қаратди. Бунга мен ҳам қўшиламан. Негаки, биргина Конимех туманида чорвачилик йиллар давомида ўз ҳо-

вани тахминий номзод ўрнида кўрмоқда. Қозоғистон Сенатининг 55 ёшли янги спикери 1990 йиллардаёқ биринчи янгилар қанали бўлган «Хабар» телекомпаниясини бошқариш баробарида бизнес ва сиёсат билан фаол шуғуллана бошлаган. 2003 йилда у отасининг сиёсатини тўлиқ қўлловчи «Асар» сиёсий партиясини тузди. Аммо бир неча йилдан кейин «Асар» «Нур Отан» («Ватан нури») партиясига қўшилиб кетди.

Таъкидлаш жоизки, сиёсатчилар президент лавозимига яна бир неча номзодлар борлигини тахмин қилишмоқда. Хусусан, Биринчи президент аксининг кичик ўғли бўлган Самат Абиш шулардан бири. Қозоғистон миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбари ўринбосари бўлган бу номзод собиқ бош вазир, ҳозирги кунда Қозоғистоннинг Россиядаги элчиси Имонғали Тасмағаметов билан бир қаторда кўрилмоқда.

Кутайлик-чи, кўшни Қозоғистон сиёсати қайси йўлни танлашни олий ҳакам – вақт кўрсатади.

Гўля МАҲҚАМОВА тайёрлади

Ҳикмат

Фақат ҳаракатгина эзгуликнинг ҳақиқий кадр-қимматини белгилайди.

ЦИЦЕРОН

Қозоғистон: БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Бир неча кун олдин Қозоғистоннинг янги президенти Касим-Жомарт Тоқаев ўз вазифини бажаришга киришди. Ҳўш, янги президент – Касим-Жомарт Тоқаев ким? У ҳақда нималарни биламиз?

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев истеъфода чиқишидан олдин мамлакат парламентининг юқори палатасини бошқарган Касим-Жомарт Тоқаев Москва давлат халқаро муносабатлар институти битирган. 1970 йилларда Сингапур, кейинчалик Хитойда дипломатик вазифаларда ишлаган. 1992 йилда у мустақил Қозоғистоннинг Ташқи ишлар вазири ўринбосари этиб тайинланган. Икки йилдан кейин Ташқи ишлар вазири бўлган.

1999-2002 йилларда у Қозоғистон Бош вазири, кейинчалик Сенат спикери сифатида фаолият юритди. 2011-13 йилларда эса БМТ бош котиби ўринбосари вазифасида ишлади. Сўнгра яна Сенатга қайтди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Тоқаевнинг расмий тар-

жимаи ҳолидан бошқа маълумотлар кўпчилик учун ҳали номаълум. Нурсултон Назарбаев Қозоғистон халқига қилган муносабатидан Тоқаев билан биргаликда «Қозоғистон мустақиллигининг илк кунларидан» бошлаб ишлаганини таъкидлаган. Бундан ташқари, Биринчи Президент «ҳукумат тепасига раҳбарларнинг янги авлоди келишини таъминлашни ўзининг асосий вазифаси» эканини ҳам қайд этган. Бироқ Касим-Жомарт Тоқаевнинг 65 ёшдаги инobatта олғини, уни янги авлод вакили сифига қўшиш қийиндек.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Назарбаев ўзининг бошқаруви давридаги иқтисодий ютуқлар ҳақида хабар берган бўлса-да, истеъфосидан салфурсат олдин ҳукуматни айна «аҳолининг реал даромадлари ошмаётгани ва тизимли ишлар амалга оширилмагани» сабабли тарқатиб юборган эди.

Масалага бошқа жиҳатдан ёндашилса, Тоқаевнинг дипломатлар орасида анча тажрибали экани ва жаҳоннинг етакчи раҳбарларига яхши танишлиги

Қозоғистоннинг минтақадаги кучли мамлакатлардан бири сифатидаги мақомини сақлаб қолишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса Назарбаевнинг сиёсий мақсадларидан биридир. Эҳтимош шу боис у Тоқаевнинг Сингапурда 8 йил мобайнида орттирган иқтисодий тажрибаси мўъжиза кўрсатишига ишонаётгандир?

ОЛИЙ ҲАКАМ – ВАҚТ НИМА ДЕЙДИ?

Тоқаев қасамёд маросимидан сўнг Остона шаҳрини Нур-Султон деб номлаш таклифини илгари сурди. Жорий йилнинг 23 март куни у пойтахтни қайта номлаш тўғрисида Фармон чиқариб, Конституцияга қайта номлаш бўйича ўзгариш киритиш тўғрисидаги қонунни имзолади. Шу тариқа Остона эндиликда Нур-Султонга айланди. Аммо бундай янгиликни ҳамма ҳам қувонч билан қаршиламади. Бир неча кун аввал қайта номлаш тарафдорлари ва унга қаршилар ҳолията биноси қаршисидаги майдонда намойиш уюшти-

ришди. Воқеа гувоҳларининг сўзларига қараганда, 20 нафар одам ҳибсга олинган. Бундан ташқари, пойтахт номи ўзгариши муҳокама этувчи онлайн-петицияда 30 мингтадан ортиқ имзо тўпланди. Ижтимоий тармоқларда бундай ўзгаришга қарши митинг уюштиришга даъватларни ҳам кузатиш мумкин.

Назарбаев энди президент эмас. Лекин у «миллат етакчиси» сифатида кўпгина ваколатларни сақлаб қолди. Айрим-айрим ҳақиқатларга қараганда, Назарбаевнинг президент сифатидаги илк қарори – пойтахт Остонанинг Нур-Султонга ўзгарилиши – янги президент Назарбаевнинг шахсий сизини эмас, аксинча уни қўллаб-қувватлаб, Тоқаев ўзига юқори ҳоҳи олганини эътироф этаётган бўлса, бошқа экспертлар 2020 йилнинг баҳорида бўлиб ўтadigan президентлик сайловидани унинг иштирок этишига шубҳа билан қарамоқдалар.

Айни пайтда кўпчилик Сенат спикери лавозимини эгаллаган биринчи президентнинг қизи Дариға Назарбаев-

«Ishonch» йўлланмаси билан
Қодир бахши Раҳимов
(1937- 1986)
Ойнари



Қодир бахши 1937 йилда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. Болалигидан Шеробод дostonчилик мактабининг йирик вакиллари — Ражаб бахши Нормурод ўғли, Умр шoir Сафар ўғли, Турди шoir каби устозларининг дostonчилик ва тарихий ижрочилик санъатини катта қизиқиш билан ўрганган.

Бахши «Алломиш», «Ёдгор», «Ширин билан Шакар», «Рустам-хон», «Мурод хон», «Зайдиной», «Гавҳаройим», «Ойчинор», «Келиной», «Жорхун мастон», «Мисқал пари», «Равшан-хон», «Ези билан Зебо», «Олланазар Олчинбек», «Олтин қобоқ», «Нурали» каби ўнлаб анъанавий дostonларни маромига етказиб куйлаган. Ҳўш «Жаҳонгир Темур», «Аҳмад Яссавий», «Ота дуоиси», «Махтумқули», «Ойша», «Эшиқора билан Дўстқора», «Даврим фарзанди», «Отибахт полвон» сингари янги дostonлар яратган.

Қодир бахши халқ бахшиларининг Москва ва Париж шаҳарларида ўтказилган VII — VIII халқ ижодиёти халқаро конгрессларида совриндор бўлган. 1982 йили Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ халқларининг дoston мусиқаси» мавзусидаги халқаро анжуманда «Алломиш» дostonини ўттиздан зиёд куйда ижро этиб, анжуман аҳлини ҳайратга солган.

Бахши ижросидаги «Ойчинор» дostonи 2007 йили Анкарада турк ва ўзбек тилларида нашр қилинган. Қодир бахшининг ижодий анъаналарини муваффақият билан давом эттириётган фарзандлари Абдуқаҳҳор ва Абдумурод бахши, шoirдрлари Бобораим бахши Маматмуродов, Абдуназар бахши Поёнов «Ўзбекистон халқ бахшиси» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Боз бозган-а, бозган-а, қилиқлари созғана. Лабига ярашади, чолса чанқовузғана. Ака деган товуши чанқовуздан созғана. Кетаётир ойлари гала қиздан илгари.

Босган жойи миннатдор, босмаган жойи гинадор. Босиб ўтмаган жойлари босама дег умидвор. Кетаётир ойлари гала қиздан илгари.

Жомоли тўлган ойдаё бўб, сурувдаги кўйдаё бўб. Уйноқлаб журган тойдай бўб, Дирка-дирка тайлаши-я нишабдан энган кўйдаё бўб. Кетаётир ойлари гала қиздан илгари.

Биқ-биқирдаб, биқирдаб, бақолоғи шиқирдаб, Бир-бир мўнчоқ тоққани журганида шиқирлаб. Қобатида қизлари опа дейди қиқирлаб, Келаётир ойлари-ё санамлардан илгари.

Кўзлари хумор-хумор, зулпаклари зулхумор. Желкасига жорашар-о хийли тоққан кўзумор. Кетаётир ойлари гала қиздан илгари.

Ёзиб олувчи: Уттам ҲАКИМОВ

Эълон
Тошкент тиб-биёт академияси томонидан 2007 йилда Халназарова Навбахор Султоновна номига берилган №287620 рақамли диплом кўчирмаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Низомий номидига Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоаси университетнинг «Биология ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси катта ўқитувчиси Учқун Раҳматовга онаси

Анора ян РАҲМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мушоҳада учун мавзу
«ҚўШТИРНОҚ»СИЗ ЎЗБЕК ТИЛИ
Ёхуд қачон чиста ўзбекча гаплашамиз?

Идея, скорее всего, спор бўйича отдик кунни соседлар билан чойхонада ўтирадиган ва уларга имкон қадар тоза гапиришни предложения қиладиган бўлдик. Вдруг, кимда-ким шартни точна и четка бажарадиган бўлса, у ва Дамин ака как побидитель сифатида чойхонага пул тўламайди. Или наоборот, ҳеч ким голиб бўлмаса, унда как приз сифатида ош менга бесплатнога тушади.

Хуллас, отдик кунни абаддан кейин чойхонада тўпландик. Толька у 3-этаждаги военний келмади. У Ташоблдаги қайсидир частда замполить, званияси подполковник. Узиям уйига редки келади. Но отпусткага чиққанда, обязательно ҳаммамнинг кўнглини олади, милодец.

Короче говоря, чойхонада бошида ҳамма ўзининг возможностига қараб, «и-пи» демасдан чиста гапиришга ҳаракат қилди. Но даште орадан где-то бир соат ўтгач, узе понятно... сўзлашувда постоянно учрайдиган сўзлар конкрет кўп айтилди.

Бунга, мисоллар достатична. А так, қўштирноқсиз ўзбек тили ҳақида толька мисолларнинг ўзи билан целий китоб ёзса бўлади. Например, ҳеч ким «ёқилги куймайди», ҳамма «заправка қилади». Сто процент жавоб бераман: бозордагиларнинг бирортаси «қаробка»ни қути, «подставка»ни таглик, «пробка»ни тиқин, «прилавка»ни пештахта демайди. Грузовой машиналарнинг шофёрлари заказ оlish учун лобовойга «пустой» деб ёзмаса бўлмайди. Очередада туришга вақти, тоқати йўқ фанатлар зборний ўйнаганда билетни қўлдан олади.

Тил масаласида толька катталарни виноват қилиб бўлмайди. Хув, чекка бир қишлоқдаги муштдай бола ҳам янги қайишини «законний ремен олдим» деб мақтанади. Унга «ременниг заказной законний экан» десангиз, у «канешна законник» деб жавоб беради. Кароче, даже детсаднинг болалари жвачка, морожони, семичка, кукуруз, напиток... дейишни кимдан, қаерда ва қачон ўрганишга успеть қилишган? Вот – масала қаерда?

Уша кунни спорда ютқазгандан сўнг настроенияс тушиб кетган Дамин ака «Э, пород қўлдинлар, соседлар. Неужели, битанг ҳам чиста гапиролмадинг?» деб нервничить қилди. Мен унга «Переживать қилманг, ака, бу спорда сиз эмас, ҳамма ютқазди. Победитель бўлган бўлсам ҳам как сказать, даже мен ҳам ютқаздим» дедим. У гапимни тушунди шекилли, бошини иргаб қўйди.

ЎЗБЕК ТИЛИ ниҳоятда нафис, жозибали, жилокор! Унинг бадий ифодалаш имконияти ва тасвирлаш қув-

Алижон АБДУРАҲМОНОВ «Ishonch»



Беш этажка банкивский домда яшайман. Битта подъездда турадиганларнинг дружный бўлиши шаҳарда редкий случий. Но бизнинг подъезддаги қўшниллар действительно дружный. Если чо, бунга сомневаться қилсангиз, бирорта мероприятияамизга келинг, ўзингиз точно верени бўласиз. Подъезддагиларнинг бир-бирига «сосед» деб обрашати қилиши давно ўже привычка бўлиб қолган.

Домкомимиз Дамин ака вобшем талабчан одам. Чем ёшига нисбатан анча ҳаракатчан, актив и организатор. У киши вес домдагиларни «Толька мусоркага мусор ташланглар. Уборщицаларнинг меҳнатини уважать қилиш керак. Улар подъездларни уборка қилиб бермайди-ку. Так что, подъезд и кўча территориялар конкрет чиста бўлисин» деб постанья предупредять қилиб юради.

Яқинда тил масаласида ҳам кўйини гапирадиган Дамин ака билан спорлашиб қолдик. Мен «Ўзбек тилида соф, тоза гапириб бўлмайди, даже филологлар ҳам гапиролмайди» десам, у киши нервничить қилиб, «Не может быть, агар желания бўлса, безпроблем чиста гапириш мумкин» деди. Кароче, у билан роса спорлашдик. Охири битта мненияга келдик: спорга точка қўйиш, ким прав эканлигини билиш учун битта идеяни амалга оширишга келишиб олдик.

Табрик

«Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, халқимизга нур улашаётган соҳа ходимларини гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгилашни айёми Наврўзи олам билан самимий қутлайди!
Наврўз меҳнатни қадрлашга, табиатни севишга, ҳаётга теран кўз билан боқиб, мудом эзгу ва жайрли ишлар қилишга чорлайдиган улуғ қадриятларимиздан бири сифатида азал-азалдан кенг нишонлаб келинган.
Ана шу қутлуғ ва ҳаяжонли дамларда хуш кайфият, бахт-саодат, омад, мустаҳкам соғлиқ, баҳорий гўзаллик доимий ҳамроҳимиз бўлсин!

Обод, тинч-осуда ва фаровон ҳаётимизга, беғубор ҳамда мусаффо осмонимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!




Ҳамид ОЛИМЖОН
ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Деразмнинг олдида бир туп
 Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...
 Новдаларни безаб гунчалар,
 Тонгда айтди ҳаёт отини
 Ва шаббода курғур илк саҳар
 Олиб кетди гулнинг тотини.
 Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
 Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
 Қанча тиришсам ҳаму беор
 Еллар мени алдаб кетади.
 Майли, дейман ва қилмайман ғаш,
 Ҳаёлимни гулга ўрайман;
 Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
 Бахтим борми, дея сўрайман.
 Юзларимни силаб, сийпалаб,
 Бахтинг бор, деб эсади еллар.
 Этан каби гўё бир талаб,
 Бахтинг бор, деб қушлар чийиллар...
 Ҳамма нарса мени қаршилар,
 Ҳар бир куртак менга сўйлар роз,
 Мен юрганда боғларга тўлар
 Фақат бахтни мақтаган овоз:
 «Мана сенга олам-олам гул,
 Этангига сиққанича ол,
 Бунда толе ҳар нарсадан мўл,
 То ўлгунча шу ўлкада қол.
 Умирида ҳеч гул кўрмай, йиғлаб
 Ўтганларнинг ҳаққи ҳам сенда,
 Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
 Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»
 Деразмнинг олдида бир туп
 Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Табрик

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни суюкли ва ардоқли Наврўз байрами билан самимий табриклайди!
Соғлиқ-саломатлик, аъло кайфият, бахт-у саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин!
Жондан азиз Ватанимизни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларингиз ҳаминиша бароридан келсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
ДОРИЛАМОН
КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!
 Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,
 Қаён боқсанг, шайлинишлар ва соғлашлар тор.
 Олча гулни кўларингга суртсан беҳол:
 «Бу кунларга етганлар бор,
 етмаганлар бор».

Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,
 Отагинам ҳаёлимда ростлай бошлар қад,
 Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,
 Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.
 Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
 Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
 Белгинанга тиргак бўлай, онажоним, тур,
 Дориламон куёшга боқ, унга қасда-қасд,
 Юзинг ардоқли куёшдай иссиқ ва маҳваш,
 Кўларингга умид ёнар тикилган они,
 Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,
 Қизғин, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.
 Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
 Ерни ялангоёқ боссанг яйрайди танинг.
 Яшамоқ – бир тансиқ таом, унга урсанг кўл,
 Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.
 Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,
 Ризқдир бизга, ризққа доим дил илинглиқдир.
 Ўғлонларинг келар, ана, очишиб кучоқ,
 Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

Онагинам!
 Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
 «Тирикликнинг байрами», деб созлаганда тор.
 Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:
 «Бу кунларга етганлар бор,
 етмаганлар бор».



Табрик

AGROBANK

Агробанк жамоаси барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини Наврўз байрами билан қутлайди!

Яшариш ва янгилашни айёми муносабати билан банк янги омонат турини таклиф этади!

“Баҳор – 2019”

миллий валютадаги омонати:

- ✓ Йиллик фоиз ставкаси: банкда расмийлаштириганда – 20 фоиз;
- ✓ “Agrobankmobile” иловаси орқали расмийлаштириганда – 21 фоиз.

- ◆ Минимал талаб этиладиган маблағ – 1 000 000 сўм.
- ◆ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88

/AgrobankChannel

Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг

GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
 Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
 Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Protoka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Набатчи муҳаррир:
 Х. Норбоев
Мусаҳҳиж:
 С. Шодиева
Саҳифаловчи:
 Ҳ. Абдужалилов
 ЎзА якуни – **23:45**
 Топширилди – **01:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
 Ҳажми 2 босма табоқ.
 Буюртма Г – 317.
 30651 нусxada босилди.
 Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6